



«БИР СЎЗ АЙТМОҚЧИ БЎЛСАНГ, МАЊНОСИНИ УЙЛАБ КЎР»

К.Я.Бахронова - Бухоро инновацион тиббиёт институти,

Умумтаълим ва фундаментал фанлар кафедраси мудири, (PhD) доцент.

E-mail: komilaba338@gmail.com

Аннотация: Мулоқот психологиясининг асосий мақсади, аввало нутқ маданиятини ёшларда шакллантиришdir. Шунингдек, ўқитиш жараёнида бўлажак мутахассисларга мулоқот маданияти, муомала сирларини сингдириш, гурӯҳ ва жамоаларда ўзаро муносабатларни мулоқот орқали яхшилашdir.

Калит сўзлар: эстетик, ақлий, жисмоний ривожлантириш, ўзаро мулоқот, оиласа мулоқот маданияти, ҳис-туйғулари, кўникмалари, воқелик натижаси, руҳий касал, педагогик мулоқот.

“Ёшликда шундай иши қилгинки, йиллар ўтиб, кексалик келтирган заарнинг ўрнини қопладиган иши бўлсин. Кексаликнинг озиғи донолик эканини ёдда тутиб, ёшликда шундай ҳаракат қилгинки, кексалик озиқсиз қолмасин”

Ленардо да Винчи

Шахснинг ҳар томонлама шаклланишида мулоқотнинг аҳамияти катта. Оддий нарсаларни ўрганиш учун ҳам тақлид орқали ўзаро мулоқотда бўлиш зарур. Жамият қонун - қоидаларига асосланган ҳолда муносабатлар ривожланади. Индивид билан шахс мулоқоти ўртасида жуда катта фарқни кўриш мумкин. Масалан, гўдак, руҳий касал, онги паст ривожланган кишиларнинг мулоқоти билан етук ривожланган, онги юксак кишининг мулоқоти ўртасидаги фарқ. Онгли шахс мулоқотни бошлашдан аввал миясида ўйлайди, сўзларини режалаштиради. Шахснинг жисмоний, ақлий, ахлоқий ва эстетик ривожланишида мулоқотнинг ўрни катта. Масалан, ахлоқий ривожланиш учун оиласа, мактабда, боғчада болага катталар мулоқот орқали таъсир қиладилар. Шунингдек, эстетик, ақлий, жисмоний ривожлантириш учун ўқувчига ўқитувчи мулоқот орқали таъсир этишга ҳаракат қилади. Демак, мулоқот таъсир қилиш воситаси бўлиб ҳам хизмат қилади.

Ижтимоий ҳаётдаги катта ютуқлар билан бир қаторда, шахслараро муносабатларда тил одоби, нутқ маданиятида бузилишлар давом этмоқда, ўзбек тилининг мусаффолиги, аниқ ва лўндалиги, мантиқийлиги, оҳангдорлиги ва силлиқлиги мулоқотда ўз ифодасини топа олмаяпти, натижада узатилаётган фикрларни идрок қилиш қийинлашмоқда. Мулоқот психологиясининг асосий мақсади, аввало нутқ маданиятини ёшларда шакллантиришdir. Шунингдек, ўқитиш жараёнида бўлажак мутахассисларга мулоқот маданияти, муомала



сирларини сингдириш, гурух ва жамоаларда ўзаро муносабатларни мuloқot орқали яхшилашдир. Мулокотнинг назарий ва методологик муаммоларини ҳал қилиш, мuloқotни нутқ билан биргалиқда ривожланишини таъминлаш фаннинг асосий мақсадини ташкил қиласи.

Мулокот психологиясининг асосий вазифалари қуйидагиларда ўз ифодасини топади: 1) ҳамкорликдаги фаолият жараёнида шахслараро ўзаро таъсир ва мулокот қонуниятларини ўрганиш;

2) Шарқ алломаларининг мулокот ҳақидаги қарашларини таҳлил қилиш;

3) талабани фаолликка ундовчи муомалавий имкониятлари мавжудлигини таъкидлаб ўтиш;

4) талабаларда касбий лаёқатни фаоллаштиришга қаратилган мулокотни шакллантириш;

5) шахслараро муносабатларни мувофиқлаштиришда мулокотнинг ролини орттириш;

6) ўзаро таъсир этишнинг айrim оқибатларини ҳисобга олиш.

Биз бўлажак мутахассисларда қуйидаги муомала хусусиятларини шакллантишимиз зарур: муомала маданиятининг назарий асосларини; шахслараро муносабатлар қонуниятларини; педагогик мулокотнинг қонуниятларини; оилада, гурух ва жамоаларда мулокотга қўйиладиган асосий талаблар ҳақида тасаввурга эга бўлиши керак; шахсда мулокот шаклланнишини ўрганиш; муомала маданиятини барча гурух ва жамоаларда шакллантириш; шахслараро муносабатларда мулокотнинг аҳамиятини кузатиш; мулокот сирларини билиши ва қўллай олишни; гуруҳларда мулокотни шакллантириш методикаларини ўтказиш; оилада мулокот маданияти, мулокот сирларидан боҳабар бўлиш; мулокот маданиятини шакллантириш мақсадида психологик маслаҳатлар ташкил этиш юзасидан кўнижмалар ҳосил қилиш. Мулокот шахслараро муносабатларнинг шундай кўринишидирки, унинг ёрдамида одамлар бир-бирлари билан ўзаро руҳий жиҳатдан алоқага киришадилар, ўзаро ахборот алмашадилар, бир-бирларига таъсир ўтказадилар, бир-бирларини ҳис қиласидилар, бир-бирларини тушунадилар. Шунинг учун мулокот ижтимоий психологик ҳодиса сифатида ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида иштироқ этиб, ҳамкорлик фаолиятининг моддий, маънавий, маданий, эмоционал, мотивацион қирраларининг эҳтиёжи сифатида вужудга келади. Инсонда юзага келадиган ҳар хил эҳтиёжларни мақсадга мувофиқ равишда қондириш мулокот маромига боғлиқ бўлиб, шахслараро муносабат, баркамол авлод, комил инсон ғояларини англашади. Мулокот муваффақиятининг негизи шахснинг руҳий дунёси, эҳтиёжлари мотивацияси, характер хислати, индивидуал-типологик



хусусияти, қобилияти, эътиқоди каби инсоннинг фазилатлари, сифатлари намоён бўлиши, ривожланиши ҳисобланади. Мулоқот жараёнида мулоқотдошларнинг тасаввурлари, қизиқишлиари, ҳис-туйғулари, кўникмалари, воқелик натижасини олдиндан сезиш, пайқаш, таъсир ўтказиш услуби таркиб топиши мумкин. Мулоқот ташқи таъсирлар, намуналар асосида ўзини-ўзи тузатиш, қайта тарбиялаш, шахсий имкониятини руёбга чиқариш учун пухта замин тайёрлади.

Буюк алломаларнинг “сўз каромати” ҳақида айтган ўгитлари фикримизнинг яққол далилидир. Кайковус фарзандига хитобан шундай дейди: «Киши сухандон, сухангўй (нотиқ) бўлиши керак. Эй фарзанд, сен сухангўй булғилу, аммо дуруггўй (ёлғончи) бўлмағил. Ҳар сўзни андиша била бошлағил, токи айтгон сўзингдин пушаймон бўлмағайсан. Андишани илгари тутмоқ ҳам бир нав кароматдир. Ҳеч сўзни эшитишдан дилтанг (ичи торлик) бўлмағил. Ул сўз ишингга хоҳ ярасун, хоҳ ярамасун, уни эшитгил, то юзингга сўз эшиги бекланмасун ва фойдаси фавт (йўқотиш) бўлмасун. Совук сўзли бўлмағил. Совуқ сўз бир тухумдир. Ундан душманлиғ ҳосил бўлур. Эй фарзанд, агар ҳар нечаким сухандон бўлсанг, ўзингни билғондан кам тутғил, то сўзлаш вақтида нодон ва бебурд бўлиб қолмағайсан. Кўп билиб, оз сўзлағил ва кам билиб, кўп сўз демағил. Нима учунки, ақлсиз шундоқ киши бўладур - у кўп сўзлар. Дебдурларки, хомушлик саломатлик сабабидур, чунки кўп сўзлагувчи оқил киши бўлса ҳам, авом уни ақлсиз дерлар. Ақлсиз киши хомуш бўлса, уни оқил ҳисблайдилар. Кўшиш (ҳаракат) қилким, халойиқ сени таъриф қилсунлар ва шундоқ сўз дегилким, у ишга ярасун, бекор ва зое кетмасун». Кайковуснинг ушбу ўгитига яна бир донишманднинг насиҳатини боғласак, узукка кўз қўйгандек бўлур: «Фарзандларим, эшитган сўзларингизнинг энг гўзалини ёзиб олинг. Ёзган сўзларингизнинг энг гўзалини ёдланг. Ёдлаган сўзларингизнинг энг гўзалини сўзланг». Абу Бакр Сиддиқ (р.а.)дан насиҳат: «Нимани гапирганингни, кимга гапирганингни ва қачон гапирганингни унутма!». «Сўз - ҳақиқатнинг сояси ва парчасидир, - демишлар мавлоно Румий. Модомики, соя ўзига тортар экан, у ҳолда ҳақиқат янада яхшироқ жалб этади. Сўз - баҳонадир. Бир инсонни бошқа бир инсонга тортган нарса сўз эмас, балки иккаловида мавжуд бўлган руҳий бирликдан бир парчадир». Яъни, агар руҳий бирлик бўлса, сұхбат ширин бўлади ёки аксинча. Масалан, майхўрларни ҳам руҳий бирлик бирлаштиради. Уларнинг бемаъни сұхбатлари ҳам шу сабабли ўзларига ҳузурли туюлади. Ҳидланган ўлимтиклар устидан эсган шамол ҳар тарафга ёқимсиз ҳидлар тарқатади. Нафасларни бўғади. Бандалик лаззатидан маҳрум фосиқларнинг сұхбатидан худди шундай бадбўй тарқалади. Улар ўзларининг бузғунчилиги билан ичма-ич бўлиб кетганлар. Бузғунчиликларидан лаззат оладилар. Оқил билан телба ўртасидаги бутун айирма шундаки, оқил одам доим фикрлагани фикрлаган, аммо кам гапиради. Телба - нодон одам эса, доимо гапириб, ҳеч вақт



ўйламайди. Оқил одамнинг тили ҳамиша фикрининг измида. Телба-нодонда эса, бунинг акси. Оқил одамнинг тили тафаккурнинг тилмочи, телба-нодоннинг тили эса, гап ташувчи ва ғийбатчидир. Шу боис ҳам «Тинглашда биринчи, гапиришда эса, охиргиси бўл», демишлар.

«Бир сўз айтмоқчи бўлсанг, маъносини уйлаб кўр. Сўзламайдиган тақдирда зиммангда масъулият қоладиган бўлсагина сўзла. Акс ҳолда, овоз чиқарма», деб насиҳат қилганлар имом Ғаззолий ҳазратлари.

Шайх Саъдий баён этишларича, ҳиндистонлик донишмандлар Бузрукмехр камолоти ҳақида сўзлаб, ул зотнинг гапирганларида тўхтаб-тўхтаб, бир оз уйлаб, сўнгра сўзда давом этишларини қусур ўрнида кўрдилар. Нединки, тингловчи кишининг мунтазир қилиб қўйишларини айбли деб билдилар. Бузрукмехр уларга бундай изоҳ бердилар: - Бир нарса ҳақида сўзлагандан кейин «Бу номақбул гапни нега айтдим?» деб пушаймон қилишдан кўра, уйлаб, андиша қилиб сўзлаш афзалдир. Мазкур жавобдан «ўйламасдан тилга келган сўз заардир ва илмдан бебахра сўзнинг қадри йўқдир», деган ҳикматни ўқиш мумкин. Демакким, киши тилидан учайтган сўзларга қараб, ундаги мўминлик камолига баҳо бериш ёки шайтонга қай даражада муте эканига гувоҳ бўлиш мумкин экан.

Ҳар бир кишининг ўз «Мени» атрофдагилар билан бўладиган мулоқот жараёнида шаклланади, Шахснинг ҳаёт йўллари аввал оиласда, боғча, мактаб, институт, ишхона, кексалар орасида, яъни гурӯҳ ва жамоаларда ривожланади. Бизнинг юксак маънавий эҳтиёжларимиздан бири - бу мулоқотга бўлган эҳтиёждир. Мулоқотга бўлган эҳтиёжимиз қондирилмаса, онгимиз ҳам ривожланмайди. Шунинг учун биз доимо мулоқотга бўлган эҳтиёжларимизни қондиришимиз лозим. Кимлар биландир бўлган мулоқотдан қониқиш ҳосил қиласиз, лекин айрим ҳолларда эса, биз қониқмасликни ҳис қиласиз. Педагогик мулоқот - бу мулоқот турларидан бири бўлиб, педагогик фаолиятда муҳим ўрин тутади.

Адабиётлар руйхати.

- 1.Баратов Ш.Р. Таълимда психологияк хизмат асослари. Монография. Т., 1999. – 96 с.
- 2.Варга.А.Л. Системная семейная психотерапия. Краткий секционный курс. СПб:Речь, 2001.–144 с.
- 3.Левин.А.У. Психодиагностика и коррекция личности.–СПб: Изд–во ЭКСМО–Пресс, 2001.–316 с.
4. Мамайчук.З, Родители и дети/ Мер.с чел.–М,1992. –329 с.
- 5.Малик Муродов «Алломалар ибрати» Тошкент, 1992 й
6. Махмуд Саттор «Ўзбек удумлари» Тошкент, 1993й
7. Бахронова К.Я. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда хулқ-атвор бузилишлари намоён этилишининг ижтимоий психологик хусусиятлари. «Психология» илмий журнали. – Бухоро, 2019. № 4. – Б. 137-142.